O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани
ҲОКИМИ

288

# Қ А Р О Р

2005 yil «29» април

№ 128-Б

**«Барака» тайёрлов савдо-таъминот корхонасига кишлок хужалик махсулотларини сотиб олиш ва тайёрлаш пункти куриш учун 0,75 га ер майдони ажратиш хакида.**

Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»-нинг 23 моддасига асосан, туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларини кишлок хужалиги кооперативи (ширкат) хужалиги, дехкон ва фермер хужаликларига ва бошка ташкилот, корхоналарга ер учаскаларини узок муддатга ижарага бериш (сотиш) масалаларини куриб чикувчи комиссиясининг 2005 йил 3-апрелдаги 7 ракамли баённома-хулосаси, Ф.Косимова номли ижара хужалигининг 2005 йил 19 мартдаги 1 сонли умумий вакиллар йигилиш карори, ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ва «Барака» тайёрлов савдо-таъминот корхонасининг туман хокимлигига берган алока хатини инобатга олиб

**К А Р О Р К И Л А М А Н:**

1. «Барака» тайёрлов савдо-таъминот корхонасининг кишлок хужалик махсулотларини сотиб олиш ва тайёрлаш пункти куриш учун жами: 0,75 га (шундан: 0,4 га сувли хайдалма ва 0,35 га ижтимойи хавли) ер майдони ажратиш хакидаги туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларини кишлок хужалиги кооперативи (ширкат) хужалиги, дехкон ва фермер хужаликларига ва бошка ташкилот, корхоналарга ер участкаларини узок муддатга ижарага бериш (сотиш) масалаларини куриб чикувчи комиссиясининг 2005 йил 3-апрелдаги 7- ракамли баённома-хулосаси, Ф.Косимова номли ижара хужалигининг 2005 йил 19 мартдаги 1 сонли умумий вакиллар йигилиш карори ва ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиклансин.

2. Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 16 майдаги 223 сонли карорининг 1 иловасига асосан ажратилган 0,40 га 57 балли сувли хайдалма ер майдони учун 182100 сум пул микдори вилоят ер ресурслари бошкармасининг махсус хисоб ракамига утказишни хамда кишлок хужалик махсулотларини сотиб олиш ва тайёрлаш пункти куришда лойиха хужжатларни тайёрлаб давлат курилиш экспертизаси ва меъморчилик курилиш назорат инспекцияси руйхатидан утказиб, курилиш ишларини бошлаш «Барака» тайёрлов савдо-таъминот корхонасининг директори М.Насруллаев зиммасига топширилсин.

3. Ушбу карорни бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Ф.Раджабовга юклатилсин.

4. Мазкур карорни тасдики вилоят хокимидан суралсин.

**Туман хокими:** [signature] **Б.Садуллаев**